

## Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Халқаро театр кунига бағишланган китоб-расмли кўргазма очилди

27 март 2015



2015 йил 27 март кунини Миллий кутубхонанинг “Ижод” ўқиш залида **Халқаро театр** кунини муносабати билан **китоб-расмли кўргазма** очилди.

Кутубхона ахборот хизматининг [хабарига кўра](#), “Театр – ҳаёт демак...” деб номланган китоб-расмли кўргазмада миллий ва жаҳон театр санъати, унинг фидоий намоёндалари ва бу соҳа сир-асрорлари ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар, расмлар, газета ва журналлар ўрин олган.

1961 йилда ЮНЕСКО ҳузуридаги Халқаро театр институти IX конгрессида таъсис этилган мазкур байрам ягона “Театр халқлар ҳамжихатлиги ва дўстлигини мустаҳкамлаш воситаси сифатида” шиори остида нишонланади. Бу – ҳаётини театр билан чамбарчас боғлаган барча фидоий инсонлар: актёрлар, режиссёрлар, чироқ ва товуш усталари, сахна беағи усталари, ҳатто, билет сотувчилар ва гардеробчилар байрамидир, зеро, “Театр илгакдан бошланади”.